



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
27 июнь
ШАНБА
№ 51
(12.166)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Авваламбор, сиз азизларни, ўзини матбуот соҳасига бағишлаган заҳматкаш ва фидойи инсонларни мамлакатимиз ривожига, Ватанимиз тараққиётига таъминлаш, жамиятимиз олдига турган юксак мақсадларга эришиш, яъни, ҳар томонлама обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қилаётган олижаноб меҳнатининг муносиб баҳолаб, барчангизни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун халқимиз қатори чин қалбидан табрик-лашга ихлоosat бергайсиз.

Албатта, Ўзбекистонимизни янада раванг қилиш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам гоёт муҳим янгилашниш ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чуккур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига тўғривор бўлмоқда.

Бунинг тасдиғи тариқасида баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли, деб ўйлайман.

Агар бундан ўн беш йил олдин республикада 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил этмоқда. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортиқ матбаа корхонасининг моддий-техник базаси мустаҳкам бўлиб, махсус сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимиз бу соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далолат беради.

Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатишининг тезкор усули бўлиши интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан ортиқ оммавий ахборот воситаси интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртиларида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора қўлайлиб бораётгани мисолда яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали тарқатилиб, Ватанимизнинг бой тарихи, бетакорр маданияти, бугунги сермазмун ҳаётини дунёга тараннум этишга хизмат қилаётгани мамлакатимизда энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жалал ривожлантириш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларимизнинг амалий натижасидир.

Шулар қаторида барча ҳудуд ва минтақаларимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи ва уларнинг қамров доираси тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Одамни қувонтирадиган, ҳайратда қолдирадиган бундай мисолларни ана қўлаб келтириш мумкин.

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай имкор ўзгаришлари билан бирга, жиҳдий сифат ўзгаришлари ҳам юз бераётгани, газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-мундариҳаси, мавзу доираси замон талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Айтиш жоизки, барчамиз кундалиқ ташвишлар билан банд бўлиб, бу соҳадаги муҳим ўсиш-ўзгаришларни баъзан сезмай ҳам қолмоқдамиз. Бугунги байрам муносабати билан оммавий ахборот воситалари эришаётган ютуқлар ҳақида сўз юритиш, ўз ишнинг чинакам устаси бўлган минг-минглаб журналистларнинг фаолиятига муносиб баҳо бериш ҳар томонлама тўғри бўлади. Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни сезиш, кўриш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуккур англаш матбуот аҳлига, табиийки, ўз касбидан гурурланиш, ўз меҳнатидан фойдаланиш учун ҳақли равишда асос беради.

Мен ўз фаолиятим давомиде журналистларнинг ишини яқиндан билиб, қўзғатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлиқ қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан. Бу иш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, кунт ва изланиш зарурлигини инобатда оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонига ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг профессионал малакасини намойиш этаётгани барчамизга мамнуният етказди.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларидаги ижобий ўзгаришларни эътибор этган ҳолда, фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, бугун замон талаб қилаётган вазифаларни ўз олдимизга қатъий қилиб қўймасак, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш устиде аввало ўзимиз, шу касбнинг ҳақиқий фидойилари бош қотирмасак, ўйлайманки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди.

Ўзингиз айтинг, журналист меҳнатининг қадрини, бу борада қўбиляти ва ижодий маҳоратининг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув учун кўз нури, юрак қўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва камчиликларга ҳолисона ва танқидий баҳо бермасе, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин?

Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуктаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу борада биз эскидан қолган, қўлоғимизни кишиданкек боғлайдиган баъзи бир қўлчилардан, овозимизни баралла қўйишга ҳалақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбексана қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуктаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўналишда тўсиқ бўлиб турган иллатларга – бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими – буларнинг барчасига қарши мurosасиз

курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим.

Шу борада ҳаётимизда учраб турадиган ана бир масалага тўхталиш жоиз: бизда раҳбарга ва мансабда ўтирган кишига итотатўйлик билан, муте бўлиб қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас.

Савол туғилади: мана шундай раҳбарларни фаш қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қўлоғидан тортиб оғтобга чиқардиган ким бўлиши керак?

Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч – бу матбуот, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустаҳкам ирода ва ўткир қаламга эга бўлган журналистгина бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг кирдиқорларини очиб беришга қодир бўлади.

Агарки менга буюрса, эл-юрт манфаати учун ўз шахсий манфаатидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ҳатто ўз ҳаётини ҳавф остига қўйиб яшайдиган жонкуяр журналистларнинг ижодий жасоратини алоҳида тақдирлаган бўлардим. Чунки матбуотда бундай кескин мавзуларни кўтариб чиқиш, уларни ҳоли ва ҳаққоний ёритиб бериш учун инсонда аввало катта юрак, воқелика фаол муносабат, қатъий ҳаётий принциплар бўлиши керак.

Масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, юқорида билдирилган барча фикрларни мужассам этадиган юксак бир тушуначчи, у ҳам бўлса, журналистнинг граждонлик позициясидир. Яъни, шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулан, деган эзгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир.

Шу борада қалбимда, юрагимда бўлган бир фикрни сиз азизларга айтмоқчиман – бу ҳаётда адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва кам бўлмаймиз", деган эътиқод ва гурур билан яшайдиган одамларни, журналистлар, қалам аҳлини мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, уларни доимо қўлаб-қуватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзининг ҳамфикр ва маслақдошларим, деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар, муҳтарам матбуотимиз фидойилари ва фахрийлари!

Сизларни бугунги кутлуг байрамингиз билан самимий табриклар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



ВАТАН МАНФААТИ ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ БУРЧ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Президентимиз Ислом Каримов раҳнаомлигида юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бундай гамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларидан жамият олдидаги ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндошушни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоясига айланиши талаб этади.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирга оммавий ахборот воситалари ходимлари, матбуот соҳасида кўп йиллар самарали ва ҳалол меҳнат қилган кекса журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табри-

гини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги тамойилларига амал қилиш, халқимизнинг ҳоли ва ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг изчил механизмининг яратилганини таъкидлади.

Бугунги кунда матбуотнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, том маънодаги эркин фикр минбарига айлантиришдаги ролини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва ускуналар билан жиҳозлаш борасидаги ишлар қўлами тобора кенгаймоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб вазиятда журналистларнинг масъулияти ва мажбурияти ҳар қачонгидан ҳам орттири шубҳасиз. Жамиятнинг турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш баробарида замондошларимизнинг қувонч ва ташвишларини ҳоли ёритиб бориш, навқирон авлодни умрбоқий эзгу

қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлашга даъват этиш ҳам бугунги кунда журналистларнинг асосий бурчига айланди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолибларига мукофотлар топирилди.

Шу билан бирга, спорт соҳасини оммавий ахборот воситаларида фаол ва тезкор ёритиб бораётган бир гуруҳ ижодкорларга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг мукофотлари топирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий матбуотимизни янада раванг топтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш ва эъзозлаш йўлида кўрсатаётган эътибори ва гамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросимда санъат усталари ва ижрочи ёшлар ижросида концерт намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири,
Муҳаммад АМИН
(ЎЗА) олган сурат.

Миллий урф-одатларимиз ва аънавларимизни асраб ҳамада боитишда, айниқса, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда маҳалла қўмиталарининг роли нақадар муҳим эканини ҳақиқат қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Бунинг учун босма оммавий ахборот воситалари, радиозиттириш ва телекўрсатувларга бир қўр кўз ташлаш кифоя.

ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Маҳаллалар ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ибратли янгиликларни оммалаштиришда журналистларнинг роли беҳис. Бу ҳаётини ҳақиқат Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун байрами арафасида ўтказилган тантанали йиғилишларда кўп бор тилга олинди. Республика «Маҳалла» жамғармасида ўтказилган шундай йиғинда ушбу мавзуда изчил қалам тебратётган ижодкорлардан бир гуруҳига эсдалик совғалари тақдим этилди. Шуниси қувончлики, мукофотланганлар орасида «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентсана правда» газеталари мухбирлари Камолдин Аскарлов ва Сергей Мутин ҳам бор.

Маҳалла қўмиталари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг фахат бизнинг мамлакатимизга хос бўлган ажойиб шаклидир, — деди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Раҳматилла Шералиев. — Журналистларимиз ушбу муҳим мавзуга алоҳида эътибор қаратиб, жойлардаги илғор тажрибаларни изчил ёритиб бораётганлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

ЯНГИ МАТБАА КОРХОНАСИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хусусий тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёзлар, ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоялашнинг пухта қонунчилик асослари шиби-лармонларда ташаббускорлиқни кучайтирмоқда.

Натижада янги-янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этилапти.

Ўзбекистон миллий матбуоти ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрамлари арафасида бизнинг Оқўрғон шаҳридаги кичик босмахонамиз иш бошлади. Уни «Рустамбек-Асила» хусусий фирмаси соҳиб Бекзод Зикруллаев ташкил этди. Замонавий матбаа ускуналари билан жиҳозланган бу босмахонада матн териш, матбаа дизайни, босма шакллари тайёрлаш, газета ва тарқатма материалларни чоп этиш мумкин.

Ислом ҚОРАБОВ,
босмахона директори.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ - 2008" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Танлов ғолиблари:
Соғиндик ЖАНИЕВ — "Эркин Қарақалпақстан" — "Вести Каракалпакстана" газеталари мухбири. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни ёритган мақолалари учун.

Абдували КУЗЕМБАЕВ — Навоий вилояти Конимех тумани ҳокимлигининг "Конимех тани" газетаси мухбири. Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги таҳлилий материаллари учун.

Замира МЕХМОНОВА — Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлигининг "Чуст ҳақиқати" газетаси масъул котиби. "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган туркум мақолалари учун.

Жамшид НИЁЗОВ — "Ватанпарвар" газетаси мухбири. Ҳарбий-ватанпарвар

лик мавзусидаги туркум материаллари учун.

Ситора ТОҶИДДИНОВА — "Хурият" мустақил газетаси мухбири. Маънавий-маърифий йўналишдаги таҳлилий материаллари учун.

Зоир ТОҶИРОВ — Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети кафедра мудири. Журналистика соҳасига кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун.

Олим ТўРАҚУЛОВ — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги республика ахбороти таҳририяти бош мухбири ўринбосари. Ёшлар мавзусига бағишланган туркум мақолалари учун.

Товбой ХУҶАМБЕРДИЕВ — "Жиззах ҳақиқати" газетасининг бўлим мухбири. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги долзарб мақолалари учун.

Ҳабиба ЮНУСОВА — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ахборот марказининг Фарғона вилояти мухбири. Маънавий мерос, миллий қадриятлар, аънавалар ва урф-одатлар ҳақидаги кўрсатувлари учун.

Муҳаббат ХАМРОЕВА — "Ёшлар" телерадиоканали катта мухбири. "Сўнмас юлдузлар" туркумидаги муаллифлик кўрсатувлари учун.

Қўйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:
Гулмира БЕРМАНОВА — УзНТТ "Эркин фикр" студиясининг лойиҳа раҳбари.

Дилшод БҮРИЕВ — Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг "Тошкент" телерадиоканали мухбири.

Сергей ГАПИЧ — Чирчик шаҳар ҳокимлигининг "Чирчик" газетасининг оқшоми" газетаси мухбири (Тошкент вилояти).

Гулбаҳор ДАВИРОВА — Ўзбекистон Миллий телерадиоканали сиёсий шарҳловчиси.

Дилшод ИСРОИЛОВ — "Тошкент оқшоми" газетаси бош мухбири ўринбосари.

Шаҳзода КАРИМОВА — Балиқчи тумани ҳокимлигининг "Ғалаба" газетаси мухбири (Андижон вилояти).

Ўткирбек МАТҚУРБОНОВ — Вилоят телерадиоканалининг катта мухбири (Хоразм вилояти).

Шариф МУХАММАДИЕВ — Жарқўрғон тумани ҳокимлигининг "Жарқўрғон" газетаси мухбири (Сурхондарё вилояти).

Акмал НАЗАРОВ — "Бозор, пул ва кредит" журнали бош мухбири ўринбосари.

Моҳира ШАКАРОВА — "Хуқуқ ва бурч" журналининг вилоят бўйича мухбири (Бухоро вилояти).

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ — "Сирдарё ҳақиқати" газетасининг бўлим мудири (Сирдарё вилояти).

Маҳаммадjon ШОДИЕВ — "Овози тожик" газетасининг бўлим мухбири (Ахром ҲАЙДАРОВ — "Зарафшон" газетасининг бўлим бошлиғи (Самарқанд вилояти).

Муҳаббат ҲАМИДОВА — "Гулхан" журнали бош мухбири ўринбосари.

Максуд ХАМРОЕВ — "Дарё" газетаси бош мухбири (Қашқадарё вилояти).

2009 йил - Қашлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Вақт - юририк. Давлатимиз раҳбари яқиндагина 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилган эди. Зўр хурсандчилик билан кутиб олинган бу йил ҳам кўз очиб-юмгунча яримлаб қолди. Лекин биз ярим йилни беҳуда ўтказмадик. Ҳар соҳада тилга олса арзуғулик янгилик ва ўзгаришлар бор.

Туманимиз қишлоқ ҳўжалиги ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган. Бундан ташқари, 118 та саноат корхонаси бўлиб, 2 таси йирик, қолгани эса кичик бизнес субъектларига тегишлидир. Улар трикотаж, қурилиш, озиқ-овқат, виночилик, дори-дармон саноати ҳамда бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда. Шу йилнинг 5 ойида 43,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124 фоиз ўсишга эришилди. 19,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 22 та қўшма корхона ишлаётган бўлиб, шу йилнинг ўзига улар 6 миллион 678 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришди. Йирик корхоналарда иш суръатини ошириш учун шу йил умуимий қиймати 13 миллион 445 минг АҚШ долларлик миқдорда 4 та инвестиция қилиниб, лойиҳалаштирилган. Мақсад - бу корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта ҳисоблаш, модернизация қилиш ва янги иш ўринларини яратишдир.

Жумладан, "Хайтек Кабель" қўшма корхонасида кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги технологик ускуна ўрнатилди. 1 миллион АҚШ долларлик ҳажмда инвестиция қилиниб, "Мехнат" агрофирмасыда узумни қайта ишловчи за-

МАҚСАД - ТУМАН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

навий техника харид қилиш учун 2 миллион 300 минг, "Мехнат Малт" МЧЖда "Солад" маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 2 миллион 145 минг, "Мехнат Пиво" корхонасида эса янги пиво ишлаб чиқариш технологиясини харид қилишга 8 миллион АҚШ долларлик миқдорда инвестиция қилиниб режалаштирилган. Лойиҳаларнинг барчаси йилнинг иккинчи ярмида тўлиқ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, 502 та янги иш ўринлари очилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан туманда шу кунга қадар 4 та савдо, 14 та маиший хизмат кўрсатиш шохбаси ишга туширилди ва 32 нафар маҳаллий аҳоли муқим даромад манбаига эга бўлди. Бунинг учун тижорат банкларининг 276 миллион сўм кредити йўналтирилди. Йил охиригача айнан шу йўналишга 707 миллион сўм кредит

ажратиш кўзда тутилган. Бу йил 399 та кичик бизнес корхоналари ва яқин тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини бошлади. Шу кунгача 62 та янги кичик корхона ва микрофирма ташкил этилди. Уларда жами яратилган иш ўринлари 416 тага етди. Фаолият кўрсатмаётган 24 та корхона ўз ишини бошлади. Улар асосан саноат, транспорт,

маҳалласида 310 метр, Юнусобод қишлоғида 70 метр ва Кўктерек қишлоғи ҳудудида 200 метр кўчага асфальт ётқизилди. Бундан ташқари, замон талабларида қурилган 19 та ишлаб чиқариш, маданий ва маиший хизмат объектлари ишга туширилиб, 500 га яқин янги иш ўринлари очилди. Жумладан, Юнусобод қишлоғида "Осиё са-

софага газ олиб келинди. Шунингдек, "Саноат", Бошқарбўй Нишонов номи маҳаллаларда янги трансформаторлар ўрнатилиб, 900 метр электр линияси тортилди.

Туман ҳокимлиги асосий эътиборни фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳисобига қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлигини оширишга қаратмоқда. 20 километр узунликдаги ҳўжаликлараро коллекторлар, 19 километрли ҳўжаликлараро каналлар тозаланиб, 52 та гидростанциялар таъмирланди.

Яна бир янгилик. "Алишер Файз Муровват" фермер ҳўжалигининг 20 гектар майдонида экинларни томчилаб сугоришни ташкил этишга кўл урди. Бугунги кунга қадар, 6 ярим гектар майдонга томчилаб сугориш ускуналари ўрнатилди. Бунда ҳар гектар ер ҳисобига йилга 2-3 минг куб сув тежаллади.

Бу йил туман бўйича 4072 та янги иш ўринлари очиб белгиланган. Шундан йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш, кенгайтириш ҳисобига 99 та, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 603 та, уй меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 352 та, бошқа чора-тадбирларга кўра 420 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 154 та янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга 402 касаначилик иш ўрни ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, туман дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни тўлалигича адо этиб, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш учун барча имкониятларни ишга соляяпмиз.

ОЛИМЖОН НУРМАТОВ,
туман ҳокими.



Яқин "Кўктерек" бозори ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунлари ишларди. Бунга аҳоли ҳам қўшниб қолганди.

БОЗОР ҲАР КУНИ ИШЛАЙДИ

Туман ҳокимининг ташаббуси билан деҳқон бозори ҳар кун ишлайдиган бўлди. Бу ерда туман фермерлари ўзлари етиштирган мева ва сабзавотларни арзон нархларда сотишмоқда. Кун сайин бозор одамлар билан гавжумлашиб, деҳқонлар келтираётган маҳсулотларга талаб ҳам ортмоқда.

Бундан ташқари, бозор ҳудудида ишлаб турган қўллаб-қувватлаш шохбасида турли қўндалик молларни харид қилиш мумкин.

ҲАМИША КЎМАККА ШАЙМИЗ

Корпорациямиз вилоят ва республика миқёсида ўзига хос салоҳиятга эга. Асосий вазифамиз янги, серхосил, совуққа, суғурилма қийинчилик мева навларини яратиш, тежамкор сугориш технологиясини ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш, боғ ва узумзорларга механизмизация ёрдамида ишлов беришни такомиллаштиришдан иборат.

Ҳозир Ўзбекистон бўйича 18 та филиалимиз бўлиб, улар иккитрига 7 минг 500 гектар майдон ажратилган. Унинг 2100 гектарини боғлар, 700 гектарини тоқзорлар ҳамда 250 гектарини қўнчалар эгаллаган. Бундан ташқари, 25 гектарда иссиқхонамиз ҳам бор.

Тошкент туманида корпорациямизнинг бош маъмурияти ва 274 гектар майдонда илмий тадқиқот институти жойлашган. Шу сабаб туманимиз аграр тармоғи ривожига амалий ёрдам беришга қаратилган бўлди. Бу йил тумандаги фермерлар ва аҳолига 250 минг туپ олма, нок, беҳи, ўрик, гилос, шафтоли, ёнғок, бодом ва ток қўчатлари етказиб бердик.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқлар қиёфасини ўзгариштириш ва ободонлаштиришга катта эътибор берилмаётди. Айнан бу йил манзарали дархат ва гул қўчатларига хариддорлар кўпайди. Йил бошидан буён буюртмачилар биздан 20 минг туپ террак, 20 минг атайингул ва 3 минг туپ манзарали дархат қўчатлари олишди.

Корпорациямизда ўтган 50 йилда 50 дан зиёд янги навлар яратилди. Бизда ҳар бир нав 5 йил давомида жиддий синовдан ўтказилди.

ди, сўнгра экишга тавсия қилинади. Шу йилнинг ўзига олманнинг 11, нокнинг 6, беҳи ва шафтолининг 4 тадан навини, шунингдек, олхўри, олча, ўрикнинг энг сархил навларини экишга тавсия этмоқчимиз.

Дарвоқе, корпорация қўшма узум ва меваларни қўриштириш ва қайта ишлаш цехи ҳам ташкил этилган. Бу маҳсулотлар бежирим идишларга қadoкланади. Шу орқали бизда яратилаётган навларни қандай қилиб саноат йўли билан қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатиб берамиз. Яъни, бу цех таҳриба-синов майдончаси ҳисобланади.

Сентябрь ойида узум ва меваларни қайта ишлаш ва сақлаш мавзусидаги республика семинари айнан корпорациямизда ўтказилиши бежиз эмас. Семинарни юқори савияда ташкил этиш учун жиддий тайёргарлик кўряпмиз.

Мақсуд МИРЗАЕВ,
«Мева-шарбат»
боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси раҳбари.
СУРАТЛА: (чапан) корпорация олимлари Рустам Ризаев ва Ўткир Набиев узумнинг янги навини кўздан кечиришмоқда.

ТАШАББУС БЕИЗ ҚОЛМАЙДИ

2009 йил туманимиз учун жуда баракали келди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида кўп ишлар қилинмоқда.

Шу кунга қадар 399 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини йўлга қўйди. Улар қишлоқларни тараққий эттириш ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилаётипти. Уларнинг 25 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва 23 таси қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида яхши ниятлар билан иш бошлади. Яна 10 таси қурилиш, 6 таси савдо, 35 таси пуллик хизмат ва 16 таси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида дастлабки натижаларга эришди. 230 тадбиркор эса яқин тартибда фаолият юритаётди.

Шу ўринда бизнес эгаларининг фаолиятида банкларнинг ўрни қай даражада, деган табиий савол туғилиши мумкин. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини қўллаб-қувватлашисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу йил туманимиздаги урта тижорат банки шу йўналиш ривожини учун 1 миллиард 119 миллион сўм кредит маблағларини ажратди. Шундан ишлаб чиқаришга 209 миллион,

қишлоқ ҳўжалигида 323 миллион, қурилишга 136 миллион, савдога 138 миллион, пуллик хизматга 138 миллион ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига 173 миллион сўм йўналтирилди.

Хусусан «Air company serviz» масъулияти чекланган жамиятига 150 миллион сўм кредит берилган. Эвазига корхонада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча ривожланди. Шунингдек, 100 миллион сўмлик кредит «Осиё саноат консерва» корхонасига анча наф берди. Корхонанинг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришдаги фаолиятида айнан шу кредит маблағининг аҳамияти катта бўляпти.

Йил охиригача банкларимиз бу мақсадларга яна 1 миллиард 571 миллион сўм кредит ажратишни режалаштирган.

Қаҳрамон АБИЛОВ,
туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.



Тошкент тумани:

КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Фермер Мирафзал Абдуазимовнинг иш бошлаганига эндигина тўрт йил бўлди. Шундай бўлсада, маҳсулот етиштиришни йилдан-йилга қийинлаштиришга эришяпти. Хусусан, бу йил 5 тонна галла, 39 тонна сабзавот, 21 тонна картошка ва 14 тонна узум олишни мўлжаллаган.

Шунингдек, 25-30 йиллик эски узум боғларини тартибга келтириб, янгилаштиришга эришди. Янги тоқзорларга серхосил «Сапирани» узум навини эмкичи. **СУРАТЛА:** (чапан) фермер Мирафзал Абдуазимов ва ҳўжалик аъзоси Зафар Жумабоев картошка ҳосилининг мўллагидан мамнун.

ШАРОИТГА ЯРАША САМАРА ҲАМ БОР

Агар дунёда ким энг бадавлат инсон, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай тўрт мучаси соғ одам, дея жавоб берган бўлардим. Чунки инсоннинг бойлиги ҳам, бахти ҳам унинг соғлиғидир.

Шифохонамизга қанчадан-қанча кишилар дардларига даво истаб келишадди. Шундай беморлар борки, улар дарддан фориғ бўлиб, оёққа туриб кетишлари учун бордини беришга тайёр. Чунки соғлиқ бўлса, ҳамма нарса топилади-да. Биз дароғимизга шифо излаб келган ҳар бир беморни дард кўрмагандек бўлиб оиласи бағрига қайтиши учун бор билим ва имкониятларимизни ишга солмоқдамиз.

Тўғри, авваллари шифохонамизда шароитлар яхши эмасди. Мутахассислар етишмасди. Беморлар ўз касаллигини аниқлаб, ташхис қўйдириш учун бошқа шифохоналарга ёки пойтахтга бориб келишга мажбур бўлардилар. Устига-устак қишда шифохона биносидан иситиш тизими тез-тез ишдан чиқиб турар, хоналар совиб кетарди. Эндиликда бундай шароитда ишлаб бўлмайди, деган ҳулоса билан бу муаммоларга узиш-кесил чек қўйилди.

2006-2007 йилларда шифохона мукаммал реконструкция қилинди, ҳудуди ободонлаштирилди. Бунинг



лар фақат тумандан эмас, балки вилоят, қолаверса, республиканинг барча ҳудудларидан келиб, даволанишлари мумкин. 2007 йилда 607 нафар беморни соғломлаштирган бўлсак, ўтган йили 1254 киши даволанди.

Ҳодимларнинг малакасини ошириш жиддий эътиборда. Яқинда олий тоифали шифокоримиз, тиббиёт фанлари номзоди Аваз Иноғомов Санкт-Петербургда малака ошириб қайтди. Кунини кеча эса кардиолог Жамшид Тўйчиев ўз соҳаси бўйича уч ойлик ўқишга жўнаб кетди.

Сўзимни муктасар қилиб айтмоқчиманки, соғлом кишиларгина қишлоқларни тараққий эттириб, халқ фаровонлигини оширишга мумкин бўлиши ҳисса қўша олади. Бу хайрли ишда шифокорлар зиммасида юксак масъулият борлигини яхши тушунамиз.

Хусан ХАМИДОВ,
туман шифохонаси бош шифокори.



СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ НАҚД

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида узоқни қўллаб тузилган режа ва лойиҳалар ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарор ривожини учун хизмат қилади. Чунки рақобат майдонига шунчаки чиқилмайди. 2003 йили корхонамиз очилганида унинг келгусидаги фаолиятига юқори баҳо берилиб, катта ишонч билдирилган. Унинг оёққа туриб олишида банкдан олинган 15 миллион сўм кредит ва ҳар томонлама мукаммал бизнес режа ҳал қилувчи роль ўйнади.

Корхонамизда дастлаб 10 нафар ишчи меҳнат қилиб, 10 хил турдаги гўшт ва қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришди. Бугунга қадар 10 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Пиширилган, дудланган, ярим дудланган гўшт маҳсулотларимиз бугун анча харидордир.

Тўғри, бозорни эгаллашмиш осон бўлаётгани йўқ. Ишимизда хато ва камчилик-

бўлди. Бу маблағга чет элдан бизга жуда зарур бўлиб турган вакуумли қadoқлаш линиясини олиб келмоқчимиз. Бу линия айнан экспортбоп гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Маҳсул мўлжага қadoқланган маҳсулотларнинг сақланиш муддати 6 ойга узаяди. Демак, бундай маҳсулотларни нафақат қўшни республикаларга, балки узоқ мамлакатларга ҳам бемалол экспорт қилиш имконини туғилади.

Отабек МУТАЛОВ,
«Московские деликатеси» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари.

СУРАТЛА: Ҳўлкар Маткаримова корхонанинг моҳир ва тажриба-ли қadoқловчиларидан.

ҚИСКА САТРАЛАРДА

● **Шу кунларда 4-, 14- ва 28-мактабларда капитал таъмирлаш жараёни ниятсизга етказилмоқда. Бунёдкорлик ишларига 835 миллион сўм сарф этилди.**

● **Туман туғруқ мажмуасига «Саломатлик - 2» лойиҳаси асосида 23 хилдаги 9 миллион 966 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва 11 номдаги 10 миллион 394 минг сўмлик лаборатория жиҳозлари келтирилди.**

● **БМТнинг «Тараққиёт» дастури ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус лойиҳасига биноан Н. Боймуҳамедов номи қишлоқ врачлик пунктига 46 минг 300 АҚШ долларига «Қуёш батареяси» ўрнатилди. Энди шифохона электр токи ва иссиқлик энергияси билан тўла таъминланадиган бўлди.**

Саҳфи «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Ҳуришда НАЗАРОВА ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛ

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида ўрта махсус, касб-хунар таълими муҳим ўрин тутди. Бу таълимнинг фақат бир бўлини бўлибгина қолмай, умумий ўрта ва олий таълимни бир-бирига боғловчи вазифани ўташи билан ҳам аҳамиятлидир.

Олмалиқ шаҳридаги «Кимёгар» маданият саройида Олмалиқ кон-металлургия касб-хунар коллежи битирувчилари учун тантанали тадбир ўтказилди.

— Бу йил коллежимизни 384 нафар йилгит-қиз тамомлади, — дейди коллеж директори Манзура Мавлонова. — Аҳамиятлиси шундаки, уларни ишга joyлаштиришда шаҳар саноат корхоналари билан коллеж ўртасидаги ўзаро ҳамкорли-

гимиз кўл келмоқда. Жумладан, бу йилги битирувчиларимизнинг 370 нафари ишга joyлаштирилди. Тадбирда 30 нафар ўқувчимизга «Энг иқтидорли ўқувчи», «Энг яхши гуруҳ», «Энг жамоатчи ўқувчи» ҳамда «Йилнинг энг яхши спортчиси» йўналишлари бўйича махсус дипломлар топширдик. Шунингдек, педагогика соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга 5 нафар ўқитувчи муносиб тақдирланди.



Шаҳар коллежлари ўртасида ўтган «Кувноқлар ва зукколар» танловда ўқувчиларимиздан Назокат Зиева, Улуғбек Олимов биринчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, Дмитрий Калатвинов Бразилияда ёшлар ўртасида ўтган ПАУЭР Лифтинг мусобақасида 3 та олтин медалга сазовор бўлди.

Битирув кечасида ёшлар учун концерт дастури ҳам ташкил этилди.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА:

битирув кечасидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Янгийўл туманидаги 35-мактаб томонидан 2008 йилда Кошербаев Исламбек Нигматович номига U № 3441559 рақам билан берилган аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Миробод туманидаги 7-катталар таълим маркази томонидан 2007 йилда Цай Юлия Вильямовна номига O'R-SH № 0750396 рақам билан берилган шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный план квартиры, расположенный по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, массив Чиланзар-9, д. 6, кв. 1, выданный на имя Абдуллаева Бахрому Тохировичу,

СЧИТАЕТСЯ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЧФ "USTOZ MIRSHOKIR", зарегистрированный отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимиятом Юнусбадского района г. Ташкента (реестр, № 003508-10 от 07.02.2008 г.), расположенный по адресу: г. Ташкент, Юнусбадский район, ул. полковника Ходжаева, д. 1 (ИНН 300709943, ОКПО 22220943) ЛКВИДИРУЕТСЯ (решение директора № 5 от 25.06.2009 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления по тел.: 159-77-61.

Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан 2913-сонли "KULHAN TIJORAT" МҲҚ қўшма корхонаси номига 01.05.2008 йилдан 01.05.2009 йилгача бўлган муддат учун хорижий ишчи кучини жалб қилишга берилган рўхсатнома (лицензия) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранную круглую печать, выданную на ЧП "Усманов Ф.К." (ИНН 479136569) Сергелийского района г. Ташкента,

СЧИТАЕТСЯ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

Юнусобод тумани 15-мавзе, 26-уй, 14-хонадонда яшаган Очиллов Бахтияр Мустафаевич номига Юнусобод туман (БТИ) томонидан берилган уй-план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Мунаввара ИСОКУЛОВА

ҲАР БИР ЎГИЛ-ҚИЗ ЭЪТИБОРДА

Бўстонлик туманидаги "Нур" болалар дам олиш оромгоҳида Меҳрибонлик уйларида ёзги таътил ва соғломлаштиришни ташкил этишга бағишланган республика амалий семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва "Sen Yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси

ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари раҳбарлари, педагог-мураббийлар, тарбиячилар иштирок этди.

Таълим соҳасидаги ислохотларда ўқувчиларнинг мактабдан бўш вақтини тўғри ва самарали ташкил этиш улар-

ни ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқтиришда муҳим ўрин тутди. Ўқувчиларни ёзги оромгоҳларда дам олиш мавсумини юқори даражада ташкил этишга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар фарзандларимиз саломатлигини муҳофазалаш

ҳамда билимини ошириш, тафаккурини кенгайтиришдек эзгу ишлар билан ҳам-оҳанг тарзда олиб борилаётгани ёзги таътилни янада самарали бўлишини таъминламоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2009 йил 30 июль куни соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади.



ВХ-356 "Оққўрғон АШБ — Хонқа ф/у"
ВХ-360 "Оққўрғон АШБ — Ҳ. Олимжон ф/у"

3. Битта пакет билан:

ВХ-392 "Муротали қишлоғи — Пискент АШБ — Қўйлиқ АШБ"
ВХ-428 "Пискент АШБ — Қўйлиқ М3 АШБ"

4. ВХ-583 "Нийёзбош маҳалласи — Чилонзор ББ — С. Раҳимов АШБ"
5. ВХ-446 й.т. "Тошғўштшаҳарчаси — Жанубий вокзал АШБ"
6. ВХ-463 й.т. "Зангиота мақбараси — Жанубий вокзал АШБ"

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобидида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили:

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани,
Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни

хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил қилиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УЗПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги минтакавий бўлими 20210000404661167001 ҳисоб рақами, (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХТТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорига пул ўтказиб, 2009 йил 25 июлгача бюрторма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақдирларини 2009 йил 29 июль соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри,
Мовароуннахр кўчаси, 17-уй.
Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.
Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ 2009-2010 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҚЎЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

БАКАЛАВРИАТ

КУНДУЗГИ БЎЛИМ

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Математика ва информатика
2. Физика ва астрономия
3. Кимё ва экология
4. Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги
5. География ва иқтисодий билим асослари
6. Тарих
7. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
8. Педагогика ва психология
9. Меҳнат таълими
10. Мусиқий таълим
11. Ўзбек тили ва адабиёти

12. Чет тили ва адабиёти (инглиз)
13. Мактабга таълим ва болалар спорти
14. Миллий истиклол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари.
15. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш
16. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
17. Дефектология

Ўқиш рус тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Математика ва информатика
2. Рус тили ва адабиёти
3. Чет тили ва адабиёти (инглиз)

ИЖОДИЙ (КАСБИЙ) ИМТИҲОНЛАР ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН МУТАХАССИСЛИКЛАР

1. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (тожик гуруҳи) мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиёти (ёзма), математика (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.
2. Тожик тили ва адабиёти мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиёти (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.
3. Қозоқ тили ва адабиёти мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиёти (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.
4. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (қозоқ гуруҳи) мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиёти (ёзма), математика (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.
5. "Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият", "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси", "Мусиқий таълим" мутахассисликларида ҳужжат топширган абитуриентлар асосий мутахассисликлари бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Шунингдек, кўрсатилган мутахассисликларга тегишли блокдаги фанлар бўйича абитуриентлар тест синовларидан ўтадилар.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 20 ИЮНДАН 20 ИЮЛГАЧА. ТЕСТ СИНОВЛАРИ КУНДУЗГИ БЎЛИМ УЧУН 1 АВГУСТ КУНИ ЎТҚАЗИЛАДИ.

Ўқишга кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ректор номига ариза.
2. Маълумоти қаҳадаги ҳужжатнинг асл нусхаси (шаҳодатнома, диплом)
3. 086/У нусхадаги тиббий маълумотнома
4. 6 дон 3,5 x 4,5 ўлчамдаги фотосурат.
5. Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги қаҳадаги ҳужжат шахсан кўрсатилди ва улардаги маълумотлар қайд қилинади.
6. Халқаро ва Республика олимпиадалари, танлов ва мусобақа совриндорлари тест синовларини топширмасдан ўқишга кириш имтиёзини тасдиқловчи ҳужжатларнинг аслини тақдим этишади.
7. Ҳарбий қисмларнинг тавсифномаларига эга бўлган абитуриентлардан тегишли тавсифномалар 20 июлгача қабул қилинади.

Институтда талабалар учун спорт заллари, кутубхоналар, ошхоналар ва ётоқхоналар мавжуд. Ўқиш давомида талабалар компьютер саводхонлигини оширадилар, интернет тармоғидан фойдаланиш учун барча шароитлар яратилган.

Тошкент вилоят давлат педагогика институтига ўқишга марҳамат!

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 48-даҳа, 1-В уй.
Тел.: (8370) 662-24-89, 662-30-23, 662-25-17.

Web-саҳифамиз: www.tvdpi.uz Эл.почта: tsvpi_info@edu.uz

Қабул комиссияси.

Учтепа тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 22.01.2007 йилда № 01-02246 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 443838283) якка тартибдаги тадбиркор Аҳмедов Акбар Закировичга тегишли бўлган бир дон думалок муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 17.02.2005 йилда № 000687-05 рақам билан рўйхатга олинган "SEMURG-SAVDO" (ИНН 205451768) хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дон бурчак штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 08.11.2007 йилда № 10-02911 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 600513720) якка тартибдаги тадбиркор Шарипов Абдыжон Зариповичга тегишли бўлган бир дон думалок муҳр, бурчак тамга ва гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат университети томонидан 1992 йилда Ачиллов Бахтияр Нишонович номига берилган ЦВ серияли 776226 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Паркент туманидаги 11-мактаб томонидан 2007 йилда Нурматов Кенжамурод Дилмуратович номига берилган O'R-SH № 0740690 рақамли ўрта маълумот ўқирисиди шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.